

ТОНГ ЮЛДУЗИ

№ 26
(65818)
11 октябрь,
1994 йил
СЕШАНБА
Сотувда эркин
наرخда.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси



Ўқув йили бошланганига оз вақт бўлганига қарамай, ўқувчилар дарсларга шўнғиб кетишди. Янги-янги фанлар, дарсликларни улар қизиқиш билан ўрганиб бормоқдалар.

Тошкент шаҳридаги 20-мактаб ўқувчилари ҳам янги ўқув йилини "Фақат аъло баҳоларга ўқиймиз!" шиори остида бошлашди. Унча амал қилган ҳолда болалар яхши баҳоларга ўқишга ҳаракат қилишмоқда.

Суратларда: 1. Кекса устоз, олий тонфадаги ўқитувчи Ҳамидулла ака Аҳмедов шу мактабда биология фанидан дарс беради. Ўқувчилар тажрибали устоз бераётган билимларни кунт билан ўрганишяпти. 2. Шаҳло Дўстмухаммедова 7-синфда ўқийди. У дугоналари Назоқат ва Камола билан биргаликда геометрия фанидан ўтилган янги мавзунинг такрорлашмоқда.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.



Обуна-95

“Тонг юлдузи” — сизнинг газетангиз!

Ўзбекистонда яшаб, ижод қилган ва бугунга қадар ҳам ижод “дараёсида” шўнғитган езувчи ва олимлар, умуман адабиётга ихлосманд, янгиликларга ўч бўлган ҳар бир киши ўз болалигини, мактаб даврини хотирласа, албатта бугун сиз варақлаётган газета “Тонг юлдузи”ни (аввалги “Ленин учқуни”) эсга олади. Чунки 1929 йилдан буён нашр этилиб келинаётган ушбу газета ҳар бир кишининг болалик даври, мактаб ҳаёти билан чамбарчас борлиқ бўлиб, уларнинг тенгқурлари, чет эллик болалар ҳаётидаги янги-

ликлар, қизиқarli воқеалар ҳақида ёритиб боради. Шунча йиллар давомида муҳарририятда ишлаган ва бугун ҳам хизмат қилаётган мухбирлар учун эса янги ўқув йили бошланган палла — қуз масъулиятли давр ҳисобланади. Сабаби аён — газетанга келгуси йил учун обуна қилиш мавсуми бошланади.

Ҳа, “Тонг юлдузи” газетасига 1995 йил учун обуна бошланди. Почта кутусидан сиз учун қадрдон бўлиб қолган газетанинг янги сонини олаётган пайт бир эслаб қўйинг: агар янги йил учун обуна

бўлмасангиз республикаимиз болалари ҳаётидаги янгиликлардан бебаҳра қоласиз. Ва сизнинг бу қадар «эҳтиёсизлигингиз» газета тақдирига нисбатан ҳам эътиборсизликдир... Бундай дейишимизга сабаб бор: обуначилар сонининг кўпайиши газетанинг иқтисодий аҳволини кўтариши сиз учун сир эмас. Бугунги иқтисодий қийинчиликлар даврида эса сизнинг обуна пулингиз газетанинг доимий равишда чиқиб туришига кафолатдир.

Барча қийинчиликларга қарамай кейинги йил давомида

саҳифаларимизда эълон қилинажак мақолалар, рухн ва хабарлар хусусида режалар тузмоқдамиз. Ўйлаймизки, газета ўз қадрдонига айланган ҳар бир ўқувчи бизнинг бу ишимизда кўмакдош бўлади ва янги йил учун обуна бўлади.

Агар сиз “Тонг юлдузи”га обуна бўлсангиз афсусланмайсиз. Чунки келгуси йилда сиз ўқувчи газетхонлар учун бир туркум қизиқarli, ўқимишли мақолалар тайерлаб, ҳукмингизга ҳавола қилиш ниятидамиз. Шундай экан обуна бўлишга шопилинг!

Обуна баҳоси:

1 йилга — 54 сўм.

6 ойга — 27 сўм.

3 ойга — 13 сўм 50 тийин.

Нашр кўрсаткичи:

64563

Янги ўқув йилида

ХОТИРЛАШНИНГ КЕЛАЖАГИ БОР

(Яқинда Андижон вилояти, Бўз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида қуриб битказилган 2-мактабга адиб номи берилди).

Бундан 48 йил олдин (1946 йил) худди шу қишлоқ тонгини йиғлоқи чақалоқ овози бузганди. Қишлоқ оқсоқоллари хонадонга йиғилишиб, бу ишнинг охирига етмоқ исташди ва шундай фикрга келдиларки — келажакда бу чақалоқдан эл дардига куядиган езувчи чиқажак. Оқсоқоллар каромат қилишган эдилар, ундан езувчи чиқди, ўтган тарихимиздан, инсон қалбининг нозик манзараларини моҳирона очиб баён этиш санъати билан юртдошлари орасида “зўр” деган ном чиқарди, улар ардоғига тушди. Бу инсон — Мирза Карим (Мирзакарим Пирматов) эди. Афсуски, ҳозир адиб орамизда йўқ (руҳлари шод бўлсин!).. Аммо езувчи ўзининг қисқа умри мобайнида кўпгина асарларини бизга қолдириб кетди. Адибнинг бу асарлари ҳамон эл қўлида севиб ўқилмоқда.

Шу йилнинг сентябрь ойида эл миннатдор адиб хотираси яна бир бор ёдга олинди, шу қишлоқда очилган 420 ўринли янги мактабга Мирзакарим Пирматовнинг номи берилиши кўпчиликнинг дилидаги эзгу-ниятлари ижобати бўлди, десак тўғри бўлади. Эндиликда беназир ижодкор номи билан аталмиш ушбу мактабнинг ўқувчилари ҳам ана шу инсон номига муносиб бўлишга интилмоқдалар. Бу масканда ижодкорликка чуқур ихтисослашган синфлар ташкил қилинган. Келажакда улардан ҳам истеъдодли езувчи шoirлар чиқади, деб умид қиламиз.

Ш. СУННАТОВ.

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
№ **ТОНГ ЮЛДУЗИ** № **64563**
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига **ОБУНА**

обуна соми

1995 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(мановил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани етказиш варақчаси

		64563
п.в.	мойи	(нашр кўрсаткичи)

№ **ТОНГ ЮЛДУЗИ** №

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна соми
янги ман-вилга юбориш	баҳоси	сўм	

1995 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(мановил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Қадрли болалар!

Ўтмишсиз келажак йўқ, деганларидек, юртимизни ўрганиш ва ўргатишни кўзлаб "Ҳар қаричи муқаддас тупроқ" номли янги руқн очаяпмиз. Бу руқн остида ўтмишимиз гупириб ётган қадамжоларнинг тарихи ва бугунги аҳволи ҳақида мунтазам ҳикоя қилиб бормоқчимиз. Сизлардан бир йилтимос: бу мақолаларни синчковлик билан ўқиб, уқиб олишдан ташқари ўзингиз яшаётган жойга яқин бўлган гўша ва обидалар ҳақида, эл-ўртасида афсонага айланган зотлар хусусида муҳарририятимизга ёзиб юборсангизлар. Гўзал ва улуг юртимизни билишда, айниқса, тенгдошларингизга бунинг ёрдами катта, деган умиддамиз.

Бухорога саёҳат

Уйқуда ётган куёш ҳали тоғ ортидан бизларга мўралиб улгурмай автобусимиз Бухорон шарифга йўл олди.

Мақсадимиз вилоят Болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида фаолият кўрсатаётган тўғарак ёшларига халқ меросига айланган кўҳна обидаларни кўрсатиш, аجدодларимиз руҳини шод этиш, меросимизга бўлган ҳурмати, Ватанга меҳр туйғусини яна бир карра уйғотиш эди. Автобус деразасидан урилаётган тоғли шабда болалар дилини қитиқлаб, бедорликка ундаётгандек бўларди.

Кармана шаҳридан чиқдик. Қишлоқлар ҳам адоғига етди, кўз илғамас сайхонлик-чўлу биёбонлар бошланди. Ногоҳ йўлнинг ўнг ёқасида мунғайибгина ёшларни кўчиб адоғи тамом бўлган Маликработ дарвозаси-ю чап ёнида кўз

ёш тўкиб турган, шўрлаб кетган сардобага кўзимиз тушди.

Болаларнинг ҳали уйқу қочмаган кўзларидан қалбларида бир туйғу уйғонганини сезгандек бўлдим. Уйлаб қоламан. Уларнинг дилида нималар куртак отаётган экан? Маликработ ёдгорлиги, сардобалар кимлардан нажот сўрапти?

Сизу биздан албатта...

Туйқусдан Комил ака Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳига яқинлашаётганимизни огоҳ этганда анча йўл юриб қўйганимизни ҳис этдик. Хаёл жилволаниб атрофга хушёр боқдик. Йўл ёқасидаги ёзувни ўқиб фикр қилдик.

"ДИЛ БА ЁРУ ДАСТ БА КОР". "Қўлинг ишда бўлсини дилинг худода". Бу сўзлар Нақшбанд тариқатининг асосий омилларида бири эканини

Ҳар қаричи муқаддас тупроқ

англаб, болаларга ҳам уқтирдим. Манзилга етиб, ҳаммамиз зиёратга шошилдик. Биринчи бўлиб Баҳовуддин Нақшбанднинг волидаси Биби Орифа мақбарасини зиёрат қилдик. Эски ёзув тўғараги раҳбари Сайдулло Нарзиев Биби Орифа руҳларига тиловат қилди. Юзимизга фотиҳа тортиб бу азиз жойда ётган марҳумларнинг руҳлари шод бўлишини оллоҳдан тиладик. Танзимизга илоҳий қувват бериб, хушёрликка ундовчи муздек сувдан ичдик. Сўнгра Баҳовуддин Балогардон мақбарасига шошилдик. Руҳимиз қанчалик энгил торганини билсангиз эди.

Кенг ва тоза зиёратгоҳ одамлар билан гавжум. Бир томонда неча асрларга сирдош бўлган кўҳна тўтингекундасига аёллар сиғиниб нажот сўрапти, бир томонда кекса-ю ёш Нақшбанд қабрини зиёрат қилапти. Масжидда эса тиловатнинг оҳанграбо овози руҳимизни поклаб, кўнглимизга эзулик, ниймон ҳисларини жо қилапти. Болалар хайратда. Бир сония Баҳовуддин Балогардон руҳи сеҳрлаб қўйгандек...

Биз Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари зиёратгоҳидан бир олам таасуротлар билан чиқдик. Йўлимиз — Бухоро шаҳрига.

Лаби-Ховуз атрофи одамлар билан гавжум. Худди Насриддин Афанди ҳаммани атрофга тўплаб латифа айтаётгандек. Сўриларда чой хўллаб ўтирган кекса-ю ёш юзюда табассум, кулги. Нега асрларга сирдош тутлар ҳам (улардан бири 1447 йилда экилган экан) эгилиб, ичак узди латифаларни тинглаётгандек.

Болаларга Бухоронинг тарихий жойларини кўрсатар эканмиз, кимдир зиндонни

кўрмаймизни, деб қолди. Ҳақиқатдан ҳам, амирнинг зиндонини кўриш эсдан чиқаёзибди. Тор кўчалардан юриб Аркнинг орқа томонига ўтдик. Телаликда жойлашган кўрмисизгина хужранинг остида нималар кечганини ҳали болалар тасаввур ҳам қилолмасди. Пул тўлаб ичкарига кирдик. Ер остида... кўпчилик қамаладиган, якка одам сақланадиган зиндонлар... Бунда қанча-қанча аждодларимиз жабр торган.

Болаларни кузатар эканман, кўзларида нафрат ўти ёнаётганини кўрдим: Мўъжазгина хужра деворига осилган кўрғазмалардан Садриддин Айнийнинг моматалоқ елкаларини кўриб кичик жуссалар титраб кетдимикин... Уста Ширин Муродовнинг мунгли чехрасига боқиб бармоқлари зирқираб кетдимикин?! Уша давр ҳукмдорлари ҳақида бу мурғак қалбларда қандай ҳукмлар, хаёллар ўти алангаланаётган экан?!

Сафарга ҳам яқун ясалди. Ҳамма ўйчан, ҳамма сукутда. Хаёлининг жилови қўйилган. Эрталаб шовқин-сурон билан автобусга чиқиб келган болалар хаёл дарёсига чўмиб нимадир қидирарди. Нима экан ўша? Ғурурми?! Иймонми?! Инсофми?!

Автобус Карманага қараб йўл олди. Яна ўша Маликработ, Сардоба нажоткор кўзларни бизга қадаб турибди. Мир Саййид Баҳром йўқолган ёшларнинг излаётгандек. Қосим шайх турналарнинг келишини кутаётгандай бўларди назаримда...

Шойим ШЕРНАЗАР,
Кармана шаҳри.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

Яна бир беллашув

Ёшлар ўртасида фанлар бўйича олимпиадалар, беллашувлар, спорт мусобақалари уюштириш яхши бир анъанага айланиб қолган. Яқинда ана шундай дўстона учрашувлардан яна бири Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг шахмат-шашка бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди.

Ушбу болалар орасидаги шахмат бўйича бўлган беллашувда Тошкент шаҳридаги 15-БЎСМ биринчи, Самарқанд шаҳридаги шахмат-

шашка мактаби иккинчи, Гулистон шаҳридаги 1-БЎСМ учинчи ўринни эгалади.

Самарқанд шаҳар шахмат-шашка мактабида тахсил олаётган қизлар эса қизлар орасида ўтказилган беллашувда ғолиблик шохсупасини эгалладилар. Чирчиқ шаҳридаги 3-БЎСМ ҳамда Тахиятош шаҳри командалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Ақл гимнастикаси саналимиш шахмат-шашка мусобақалари жуда қизиқарли бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Чет эллик тенгдошларинг ҳаётидан

Сарлавлани ўқиб, мамлакат президентлигини хаёл қилган бўлишингиз мумкин. Америкалик болалар эса мактаб, аниқроғи, Ўқувчилар Кенгашининг президенти бўлишни орзу қилади. 1897 йили Нью-Йоркдаги мактабларнинг бирида республика, ҳоким, шаҳар бошқарма аъзолари, судьялар, полиция ва иш юритувчилар билан биргаликда президент лавозими ҳам таъсис этилганди.

Ўқувчилар Кенгаши мактабни бошқарувчи асосий орган ҳисобланади. Кенгаш аъзолари — президент, қизлар ва болалар бўйича вице-президентлар, котиб ва ғазначи сайлов орқали бир ўқув йилига сайланади.

Сайловлар "юқори" сайлов қоидаларига асосан бўлиб ўтади. Номзодлар тавсияномалар тўплайди, сайловчилар билан учрашиб нутқ сўзлайди, номзодлари ўтиши учун сувенир-совғалар тарқатади ёки меҳмон қилади.

Албатта, президентлик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу лавозимга кўпроқ аъло

учратиш мумкин. Уларни махсус сайлов қўмитаси назорат қилади.

Сайловдан сўнг байромона яратилган сахнага янги Ўқувчилар Кенгаши аъзолари кўтарилади. Улар мактаб урф-одатларига содиқ бўлиш учун қасамёд қилади.

Мактабларда турли қўмиталар ҳам мавжуд: **Хўжалик қўмитаси** — мактабни таъмирлаш бўйича, **Соғлиқ қўмитаси** — бетоб ўқувчиларни рўйхатга олиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан, **Молия қўмитаси** — маблағ масаласи бўйича, **Нашриёт қўмитаси** — газета, журнал ва маълумотномалар тайёрлаш билан, **Спорт қўмитаси** — мусобақа жадвалларини тасдиқлаш, спорт тўғаракларини мунтазам ишлаши бўйича фаолият юритади. Ўқувчилар зиммаларига "ортиқча" лавозим ва мажбуриятлар тушмаслигини **Чеклаш қўмитаси** назорат қилади. Қўмита раисларини президент тайинлайди.

Сир эмаски, Ўқувчилар Кенгаши ўқувчиларнинг келажакка тайёргарлигидир. Албатта, бу ишлар гоҳида яширинча, гоҳида эса аниқ кўрсатмалар билан директор ва ўқитувчилар раҳбарлигида олиб борилади.

"Календарь школьника" журналидан.

КИМЛАР ПРЕЗИДЕНТ БЎЛИШИ МУМКИН?

Ўқийдиган, сиёсий-жамоат предметларини яхши ўзлаштирган, энг асосийси ўзини "раҳбар" сифатида намоён эта олганлар сайланади.

Сайлов даврида мактаб шовқин-суронга айланади: деворларга шиор ва плакатлар, мактаб газеталарида (газеталар босмаҳоналарда босилади) сайлов тўғрисидаги мақолалар, рақобатчисига қарши чизилган карикатураларни ҳам тез-тез

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини беҳато тўлғашишга ҳаракат қилинг!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, қасса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғашинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исми ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли каталарни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдирати.

Қутлаймиз!

Азиз ва суюкли Носиржон!

Ҳадемай, сен — дилбандимиз муборак 5 ёшга қадам қўясан. Тўй бола — той бола, қутлуг ёшинг муборак бўлсин! Биз, яъни онажонинг, отажонинг ҳамда катта онанг ва катта отанг барча-барчанинг эзгу тилаги шу:

Дуркун ўсиб, омон бўл,

Яхшиликка томон бўл!

Доимо камолингни тилаб, онанг

— Малоҳат Хитоева,

отанг — Баҳриддин Эргашев.

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мурод Жўраев номли ширкатлар уюшмасининг "Халқобод" кўргони.



XIV асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё ва Шарқий Хуросонда тўс-тўполонлар беҳаду зиёд авж олганди. Бундай парокандалик, ўзаро феодал қирғинлар, талон-тарожлар боис хонавайрон бўлган юртни ҳалокатдан олиб чиқиб, унинг қадимий шон-шухратини, азалий қудратини қайта тиклаш ҳамда мустақамлаш учун Ватан шубҳасиз ўзининг қаттиққўл, заковатли, жасоратли ҳамда чексиз ҳарбий истеъдодга эга бўлмиш фидоий ўғлонини кутарди. Қочули хонадонидан келиб чиққан Қоражор нўён авлодидан бўлмиш Қашқадарёнинг Хўжа Илғор мавзеси, Китоб туманида 1336 йили таваллуд топган Амир Темур ибн Амир Муҳаммад Тароғой давр тақозо этган худди шундай шахс бўлиб майдонга келди. У даставвал ўз мавқеини мустақамлаб олгач, Моварауннаҳрдаги сарбадорлар ҳаракатини силлиқлик билан бостириб, мамлакатдаги асосий бошбошдоқликка чек қўйди. Уни қисқа давр ичида Жўжийлай салтанати бўлмиш Олтин Ўрда ҳамда Чигатойлар қарамлигидан батамом ҳалос этишга муваффақ бўлди ва пойтахти Самарқанд бўлмиш Моварауннаҳрни илм-фан, маданият, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатларда ҳам дунёдаги энг қудратли давлатлардан бирига айлантиришга интилди ва бунинг уддасидан шараф билан чиқди.

Аmmo буюк жаҳонгир, ҳоқони ҳозирнинг ўлими (1405 йил) унинг олдиндан ўйлаб қўйган янада талай оламшумул режаларининг амалга ошишига ҳалал берди. У Хитойга ялпи юриш бошланганда оламдан ўтган эди. Номдор саркарданнинг ҳаётлигида унинг соясидан ҳам ҳадиксирайдиган қаноти остидагилар кўрингки, ҳеч бир тап тортмай азот бош кўтардилар. “Менинг давлатим абадий яшайди” деб ўйлаган соҳибқироннинг хаёллари ҳали унинг маъракаси ҳам тугамасданоқ чиппака чиқди. Бу иш унинг ўзининг хонадонидан бошланди. Натижада яна юртлар узра ҳунрезликлар қизиб кетди. Озмунча бўлмаган улкан ҳаракатлар эвазига бунёдга келган поёнсиз давлат шу тарзда тезда чок-чокидан сўкилди. Моварауннаҳрда Темурнинг суюкли набираларидан бири Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тароғой) 1409 йили ҳокимият тепасига келди.

У табиат саҳийлик билан бахш этган турма илм кишиси эди. Шунга кўра, саркардалиқ қобилиятини синовчи жанговар юришлардан ўзини кўпроқ четга тортди. Мамлакатини илм-маърифатга, донгдор маданият ўчоғи бўлиб қолишига асосий эътиборини қаратди ва бу олийжаноб ишга астойдил киришди. Ўзи ҳам умрининг катта қисмини безавол фанга бахшида этди. Дорулсалтанат Самарқандда ўз асрининг кўпгина алломай замонлари Мирзо Улуғбек раҳбарлиги ҳамда ҳомийлигида илмий ишлар билан фаол шуғулланишга ўтдилар. Хусусан, Гиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий, Муиниддин Копоний, Муҳаммад Ҳаюфий ва бошқалар қатори Мирзо Мулло Муҳаммад ўғли Али Қушчи (у ҳам Темурийзодалардан бўлиб, Амир Темурнинг эвараси эди — Ҳ. З.) ҳам илм сардорининг энг яқин ҳамфикри сафдоши

сифатида даврнинг Батлимуси деб ном қозониб доврғ таратган эди. Кейинчалик бу улғу фалакшунос авлодидан ҳам фозил аллома кишилар дунёга келганлар ва фан оламида ўчмас из қолдирганлар. Чунончи, шулардан бири йирик давлат арбоби, аллома ва толмас тадқиқотчи сайёх Ҳофиз Кўйкийдир. (Уни Ҳофиз Кўҳокий Тошкандий еҳуд Ҳофиз Тошкандий деб ҳам юритишган — Ҳ. З.).

Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий саккиз юз тўқсон олтинчи ҳижрий, ақраб ойининг

танилган. Олим бир қанча вақт Кўйиқда ҳам яшаганлиги учун, тарих зарварақларида мавлоно Ҳофиз Кўйлуқий деб езилган жойлар ҳам учрайди.

Ҳофиз Тошкандий ешлигида икки йирик забардаст олимлардан таҳсил олишга мушарраф бўлган. Булардан биринчиси Қозихон нисбали Қози Низом Бадахший, иккинчиси мавлоно Асомиддин Иброҳим бўлиб, бу кейинги олим ҳақида “Мунтахабул таворих” китобида: “...Мавлоно Асомиддин Иброҳим кенг илм аҳли орасинда бағоят яхши эътибори ҳам бор эди... Яна ул жаноб мавлоно

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

ҲОФИЗ ТОШКАНДИЙ

бошларида 1490 йил ўнинчи ойининг охирларида (Тошкент вилоятининг гўзал Паркент туманида зиёкор мавлоно Мирзо Камолиддин ибн Аловиддин Али Қушчи оиласида дунёга келган. Султон Муҳаммаднинг саводи жуда эрта чиққан. У манбаларда айтилишича, етти ешидаёқ Қуръонни мукамал ед билган, нутқи ҳам равон бўлган. Кўҳна туркий — чигатой тилидан бошқа араб, форс тилларида эмин-эркин мулоқот қила олган. Тўққиз ешида мадрасанинг энг еш толиби бўлган, уни ўн бир ешида барвақт тамомлаган. Мирзо Камолиддин 1501 йили ўғлини олиб Маккага сафар қилган. Еш Ҳофиз бир йил Маккада бўлиб, замонасининг талай номдор илм пешқадамларининг суҳбатларида бўлиб, ўзининг еш бўлишига қарамай диний ва дунёвий илмлардан етук эканлигини кўрсатиб ҳаммани ҳайратда қолдирган эди. У ўша ерда жойлашган Байтул Ҳикматнинг, яъни Академиянинг еш “Фахрий аъзоси” деган шарафли номга сазовор бўлган экан. Шундан кейин улар илм-фанда донгдор ўлкалардан бири бўлган Богдада ҳам бўлишган ва худди шу ўлкада у уч йилча қолиб ўз билимларини мукаммаллаштиришда давом этган ҳамда шу ерда у илмларнинг сардори — шайхулмашойиҳи деган ном ва ижоза (диплом) олган экан. Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий шу тахлит ўн беш ешларида ўша вақтда Эроннинг пойтахти бўлган Исфохон ва Балх ҳамда Ҳирот шаҳарлари орқали ўз она юрти Тошкентга қайтади. У Ҳиротда бўлган вақтда буюк мутафаккир Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийнинг ҳам қабрларини зиёрат қилган экан. Айтилишича, ўша вақтларда Шарқий Хуросон ҳукмдори, Навоийнинг қалин дўсти темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳали ҳаёт бўлган экан. Ниҳоят, юқорида қайд этганимиздек, ватанига қайтган Султон Муҳаммад Ҳофиз илмий фаолиятга қаттиқ берилган ва бу борада тезда ном қозониб, кенг шухрат қуча бошлаган. Кўпроқ тошкентлик Ҳофиз Кўйкий деб

фасих забон, хуш тақрир олим бўлиб, мўътабар таснифлари ҳам бордур...“ дейилади.

Тошкент шаҳрининг ҳозирги Собир Раҳимов туманидаги (яъни Чигатой дарвозасидаги — Ҳ. З.) Ҳофиз Куйкий номли маҳалла қадимдан шу улғу зотнинг номи билан аталиб келинган. Ҳофиз Тошкандийнинг Паркентдан шу маҳаллага келиб турғунлашиб қолганлиги эҳтимолдан йироқ эмаслиги айтилади. Юқорида зикр қилинган “Куйкий” тахаллусини Ҳофиз ўзининг туғилиб ўсган Паркентнинг Кўҳок қишлоғига нисбатан қўллаган бўлиши мумкин, чунки Кўҳокий сўзи “кўҳ-тор” деган сўздан олинган бўлиши, тоғлик Ҳофиз Кўҳокий деб аталишига сабаб бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Ҳофиз Кўҳокий Тошкандий истеъдодли муаррих, ҳуқуқшунос, мутаржим, илми нуҷум (фалакиёт), жуғрофия, этнография, хандаса, риёзиёт, фалсафа, сарф-наҳв соҳаларининг улкан билимдони бўлган. Улардан ўз илмий-ижодий ишларида унумли фойдаланган алломалар.

Ҳофиз Тошкандий илмининг равақ топиб, камолот чўққисига чиқа бошлаган даври асосан Шайбонийхонлардан Хожа Убайдуллохон даврига тўғри келади. У Убайдуллохон ҳукмронлигининг дастлабки вақтларида, бироз вақтлар дорулсалтанат Самарқандда вазири аъзамлик лавозимида ҳам турган Абдуллохон II даврларига келиб эса, у илм-фан оламида энг кўзга кўринган йирик сиймолардан бири сифатида “Алломай замон”, “Маъдани илм ва ҳикмат”, (“Илм ва ҳикмат кони — булоғи”) деб танилган эди. Олим турли масалаларга доир ўндан зиёд нодир илмий асарлар езиб қолдирган бўлиб, шулардан бизгача етиб келган асарларидан “Тарихи Тошкандий”, “Мезон ул адаб” (“Билим мезони”), “Рисолаи фи фанин. ат тавсир вал усул вал — фуруъ вал мантиқ вал калом” (“Тавсир, фикҳ асослари ва унинг тармоқлари, мантиқ ва калом илми ҳақида рисола”). Бу кейинги

асар ўша замондаёқ шухрат топган асарлардан бири бўлганлиги Хожи Халифанинг “Сижил Усманий” китобида айтилади.

Маълумки, илм-фанга ўзини бир умрга бахшида этган ҳар бир зот у қайси замонларда яшаган бўлишидан қатъий назар кўп тилларни билиши, биринчи навбатда доимий равишда истеъмолда қўлланиб келинган Шарқ тилларидан форс ва араб тилларини мукамал эгаллашга интиланлар. Негаки, бу тиллар илм кишига очқич (калит) вазифасини ўтаганлиги ҳам ана шундай дунё илмига олиб чиқувчи форс, араб, турк, пушту, урду, ҳинди ва бошқа тилларни, халқлар адабиётини яхши билган. Шарқ ва Ғарбда ҳам кенг танилиб шон-шухрат қучган. У давлатда масъул лавозимларда бўлганда ҳам илмий-ижодий ишларини бирдай давом эттирган ҳамда мадрасаларда толиби илмларга сабоқ беришда фаолият олиб борган. Илмий тадқиқотлар юзасидан кўп машаққатли сафарларда бўлган. Масалан у Ироқ, Сурия, Яман, Судан, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Уйғуристоннинг қатор шаҳарларида ва бошқа кўпгина ҳорижий мамлакатларда саёҳатларда бўлиб, ўз дунё қарши, билим доирасини янада кенгайтирган, сермахсул ижод этган. “Сижил Усманий” номли тўрт жилдлик китобда айтилишича, Ҳофиз Ҳиндистонда икки марта бўлади, хусусан, биринчи марта Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1528 йили Ҳиндистон заминини узил-кесил фатҳ этиб, оламшумул зафарларни қўлга киритгани ва бу зафар тантаналари тўйи учун нуфўзли меҳмонлар чорлатганда Убайдуллохоннинг фавқуллода мухтор элчиси сифатида Ҳофиз Тошкандий ҳам ташриф буюради.

Толмас тадқиқотчи сайёх ва олим иккинчи марта 1569—1570 йиллари Ҳиндистонга борган. Манбаларнинг шоҳидлик беришича, Ҳофиз Тошкандий Бобур Мирзонинг набираси, қудратли Акбаршоҳ қабулида бўлишга мушарраф бўлган. Ғайратли ҳамда ҳарбий истеъдод соҳиби бўлмиш номдор саркарда ва подшоҳ Мирзо Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ Ҳофиз Тошкандийни нафақат ўз қариндошигина эмас, балки, бобосини кўрган, у билан мулоқотда бўлган, унинг тарихини яхши билган бир табаррук инсон сифатида саройнинг мўътабар аъёнлари, вазиру вузуролари билан Аградан бир кунлик йўлга чиқиб, бамисоли худди ота-боладай қувонч кўз ешлари ила қучоқ очиб кутиб олган. Пойтахт улкан байрам тусига кирган ва шундай турли-туман ўйин-томошалар, мушакбозликлар қилинган эканки, бундайини ўша замон давлатларининг бирортасида ҳам кўрилмаган. Саройда қабул маросимлари уюштирилиб, мазкур улғу зоти шарифлари шарафига катта дабдабали зиёфатлар ташкил этирилган ҳамда шоҳона пешкашлар (тортиқлар) қилинган экан.

(Давоми келгуси сонда).



Шоирлар — болаларга

Беккул ЖЎЛИБОЙ

Руҳим Навоийнинг руҳила тугун

Хотирот

Қиёматни ўйлаб ётинг ёстиқда,
Таҳорат ол тўққиздамас саккизда.
Тавба қилинг ҳар нафасда, ҳар сўзда,
Кимлар кирар, кимлар кирмас ўттизга.

Омонат бил танингдаги бу жонни,
Тарк этади топса агар имконни.
Унутарсан ул дунёда армонни,
Давлат излаб йўқотмангиз иймонни.

Дард беради Оллоҳ суйган қулига,
Шифо топмас тангасига, пулига.
Аён қилур бир лаҳзада дилига
Ишонмаса қиёматнинг кунига.

Бу дунёда яхши ишдан кўп ёмон,
Тўғри ишни эгри қилур бил гумон,
Ҳақнинг йўлини эгаллагин сен ҳар он
Қиёматда бўлмай десанг хонумон.

ШАКАР.

Бўсағадаги садо

Қалбимизнинг қаъридан бир нидо келур —
Сенинг вужудингда Машраб қони бор!
Юрагим тилимга илтижо қилур,
Ҳали айтилмаган ашъорларим бор.

Руҳим Навоийнинг руҳи-да тугун,
Фузулийга тақлид алёрларим бор.
Жаҳонгир Темурнинг сўзлари ўғит,
Халқим, юртим деган сарқорларим бор.

Табобат илмининг илк асосчиси,
Билинг Синодайин дармонларим бор.
Заминнинг шаклини дурмисол чок-чок,
Тузган Берунийга армонларим бор.

Қўлдаги торини булбулга бермам, —
Деган Комилжондай машшоқларим бор.
Ўзбегим донғини машриққа элтган,
Эркину, Абдулло, Матжонларим бор.

Орзуларим учун йўл очаётган,
Истамжоним берган туморларим бор.
Деҳди, Бекқул халқим, ватаним сенга,
Кўксимда бир дунё дostonларим бор.

Донишмандлар бисотидан

Ибратли ҳикоятлар

Бир куни Бағдод шаҳри кўчаларининг бирда болалар ўйин билан машғул эдилар. Тасодифан бир қария ўша кўчадан ўта бошлади. Ўйнаб турган болалардан бири чолнинг келатганлигини кўриб, четроқ жойга чиқиб турди. Қария етиб келгач қўл қовуштириб салом берди. Бошқа болалар эса, чолга эътибор бермай, ўйинда давом этдилар.

Чол бу боланинг оқилона ҳаракатидан завқланди. У болаларнинг одобини синаш учун уларнинг енига келиб, қўлидаги узукни болаларнинг ўртасига ташлаб:

— Қайси бирингиз узугимни қўлимга олиб берсангиз, китоб, дафтар олиш учун пул берман, — деди. Болалар бир-бирлари билан уришиб узукни ёпишдилар. Ниҳоят бир бола узукни олиб чолга берди. Салом берган бола эса узукни олиш учун бўлган ҳаракатларга қўшилмай ўз жойида турарди. Чол у боланинг ҳолига диққат қилиб турарди. Бу сафар узукни унинг енига ташлади. Бола дарҳол узукни ердан олиб, артиди. Чолга таъзим қилиб, унинг қўлига берди. Чол у боланинг одоб тарбиясидан завқланди офарин айтди.

Кунлардан бир куни шаҳар ҳокимининг ҳузурига ўғрилиқ билан айбланган бир кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесилиши буюрди. Ўғрини жазо майдонига келтирдилар, жаллод ҳозирланди. Шу вақт бир кичик қиз келиб ҳокимга илтижо қилди:

— Азиз ҳокимимиз, ноҳўя иш қилгани учун отамнинг қўлини кесишга буюргансиз, тўғри, ҳақлисиз. Отамнинг мендан бошқа яна тўртта кичик фарзанди бор. Онамиз касал. Агар отамизнинг қўлини кестирсангиз, ҳаммамиз оч қоламиз, чунки бизнинг яшашимизга фақат отамиз сабабчидир. Бизларга раҳм қилинг, отамизни қўлини кестирманг. Агар кесмасликдан бошқа илож топилмаса, у вақтда отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кесинлар.

Ҳоким бу кичик қизда ота-омага муҳаббат шу қадар кучли эканидан ҳайратда қолди. Уни синамоқ учун:

— Майли, отанг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман. Кейин пушаймон бўлма, — деди.

Қиз отасига қарата севиниб:
— Отажон, кўржманг, мен ҳокимга отамиз қўли ўрнига менинг қўлимни кестиринг деб ялдиндим, у киши қабул этди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб сизни озод қиладилар, — деб қўлини жаллодга узатди.

Қизнинг сўзларини эшитиб ота-онага бўлган кучли муҳаббатни англаган ҳоким қаттиқ таъсирланди. Ҳоким дарҳол қизнинг отасини озод этди. Қизни эркалаб, ардоқлаб кўп илтифотлар кўрсатди. Ота-бола кучоклашиб севина-севина уйга қайтишди.

Нашрга **ҲИҚМАТУЛЛОҲ** тайёрлади.

Истеъдод эгалари



"Воҳ-воҳа тўрам" каби яккахон куйларни чапдастик билан ижро этиб ташлади.

Маълум бўлдики, Хива туманига қарашли Алишер Навоий номидаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ислоом Отажонов бир неча йилдан бери шу мактаб қошидаги бадий ҳаваскорлик тўғрагида доира чалиш санъати сирларини ўрганиш билан бирга, туман, вилоят кўриктанловларинда, Наврўз тантаналарида қатнашган, Йўлдош Худойназаров, Бахтиер Абдуллаев, Азамат Отажонов каби хонандаларга доирада жўр бўлган экан.

— Авваллари акам, Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Жаҳонгир Отажонов куйлаганида, унга доирада жўр бўлиб юрдим. Энди Марказий Осиёнинг машҳур хонандаси Ортик Отажоновга чилдирмада жўр бўлсамми, деб турибман.

— Мактабни битириб, ким бўлмоқчисан?

— Чилдирмақаш бўламан. Ҳозир устозим Комил Худойназаров раҳбарлигида Уста Олим Комилов,

КИЧИК САНЪАТКОР

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз? Машҳур журналист акамизнинг невараси тўйига тақлиф этилган санъаткорлар ҳадеганда келаверишмади. Издиҳомга ташриф буюрган казо-казо актёрлар, рассомлар, олимлар тўй болани, унинг ота-онасини, бобо-бувасини ўбдон табриқлаб бўлишди ҳамки, на созандалардан, на хонандалардан дарак бор. Ҳамманинг икки кўзи йўлга ниҳорон, вақт эса ўтиб борарди.

Нима қилмоқ керак? Бир ўртоғимиз қаердандир еш хонанда Ганишер Меликуловни топиб келди. Бироқ чилдирмақашсиз тўй қизирмиди? Иттифоқо, кўшни кўчада хоразмлик Ислоом Отажонов деган бола таътилни ўтказаетгани, шу боланинг яхши чилдирма чалиши маълум бўлди. Начора, тўй эгалари илтимос қилиб, унинг ҳузурига боришди. Чуваккина болакайни кўрган баъзи бир кимсалар лаб буришди: "Шу тирмизак чилдирма чала олармиди?"

Бироқ болакайни тушмагур ажаб бир абжирлик билан чилдирмасини гилофдан чиқарди-да, унча-мунча давра кўрган санъаткорнинг дамини емайдиған кепода тап тортмай, хонандага жўр бўла кетди.

Етти-саккиз ашуладан кейин хиел чарчаган хонанда нафас ростлагунича, Ислоомжон чилдирмада "Доира кочиримлари", "Кўкочча", "Яллама ерим",

Қаҳрамон Дадаев, Элмурод Исломов, Дилмурод Исмоиловларнинг ижро йўлларини ўрганиб олдим.

— Ота-онангга ердан бериб турасанми?

— Ҳовва. Бизнинг тўғраққа аълочи ўқувчиларгина қатнашиш ҳуқуқига эга. Талант Эшмуродов, Эргаш Полвонов, Ғайрат Отажонов энг илғор иштирокчилардан ҳисобланади. Ўқишдан, тўғрақдан бўш пайтларимиз ота-онамизга ёрдам берамиз.

Сухбатга Ислоомнинг акаси Жаҳонгир Отажонов аралашди:

— Ислоомжон ўзига жуда талабчан. Ижро услуби анча шаклланиб қолганига қарамасдан, ўз устида ишлашни қанда қилмайди. Шу сабабли у гоёт мураккаб ҳисобланган Хоразм доира усулларини анча пухта ўзлаштирган. Хусусан, доирадаги "шапалоқ зарб"ни мукамал эгаллаганлиги билан эл оғзига тушди.

...Тўй айна қизиган маҳалда сабабсиз кечиккан санъаткорлар тўйхонага ингичка тортиб кириб келишди. Аммо уларга ҳеч ким рўйхушлик бермади. Ҳамма ҳаваскор санъаткорларни алқайди. Бу алқашдан ҳикоямиз қаҳрамони Ислоом Отажонов ҳам бенасиб қолмади.

Шерали СОКИН.

Топағон

Деҳқон — бўри, эчки ё карам?

Бир деҳқон бўри, эчки ва бир дона карам билан каттақон даренинг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлибди. Қайиқ эса тор, унга биргина деҳқон ё бўри, ё эчки ёки карами билан сиғар экан. Нима қилиш керак? Агар бўри билан эчкини соҳилда елғиз қолдириб, аввал карамни олиб ўтса бўри эчкини еб қўяди. Агар эчки билан карамни қолдириб, бўрини олиб ўтса, эчки карамни еб битириши аниқ. Деҳқоннинг енида эса ҳеч ким бир-бирини емас экан.

Деҳқон ўйлай-ўйлай, бир қарорга келибди ва бўри, эчки ҳамда карамни даренинг нариги қирғоғига эсон-омон олиб ўтибди.

Қани болалар, топинг-чи, деҳқон қандай йўл тутган?

Уқи, қизик!

бундай роботлар туфайли инкубаторлардаги жўжаларнинг нобуд бўлиши анча камайган. Ҳозирдаиок Франция фирмаларидан бири бундай роботларни ишлаб чиқаришга киришмоқда.

Инсонмонанд роботлар

Япониядан яна хабар келди. "Ниппо денки" компанияси жаҳонда биринчи бўлиб инсон миясига қисман таассуб қилиб ишлай оладиган нейрокompьютер яратди. Бу компьютерлар товуш ва белгиларни ўта аниқ фарқлай олади, саноят роботларининг ишини мукамал назорат қила олади ва ҳоказо. Энг муҳими — бу роботлар шароитга қараб иш юрита олиш қобилиятига ҳам эгадир.

"Сыпники и роботы" ойномасидан Маъмуржан УМАР АЛИ таржимаси.


Беминнат робот

Ниҳоят Чарли Чаплининг орзуси амалга ошди. Япониянинг "Норич" фирмаси одамни ювинтириб қўядиган робот ишлаб чиқарди. У одамни совун, шампун билан ювиб, ҳатто сочқ билан артиб ҳам қўяди.

Робот товукхонада

Бу робот эса ниҳоятда ҳайратланарлидир. У бир соат ичида мингта бир кунлик жўжаларни санаб чиқади, уларни эмлайди, дори-дармонлар билан ишлов беради, тумшукларининг учидан кемтиб қўяди. Бу бир катакда сақланадиган жўжаларни бир-бирларини жароҳатлаб қўйишдан сақлайди. Фан ва техника бўйича Франция марказининг хабар қилишича,

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ



Таҳрир хайъати:
Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚУМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил 1 августдан "Ленин учкуни"
номи билан чиқа бошлаган

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Газета IBM компютерерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми —1 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—3.
Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.